Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 249 (7139). ● 28 декабрь, 1979 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Областда халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

«Ботаника» санаторийсининг ходимлари коллективи ўзларининг сайловолди йиғилишларида 278-Санатория сайлов округи бўйича область Совети депутатлигига область партия комитетининг секретари **Аъло Махсумович Хўжаев**ни номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

«Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ангрен разрезининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан 23-Шахтёр сайлов округи бўйича область Совети депутатлигига разрезнинг экскаватор машинисти **Хўжа Аликулов** номзоди кўрсатилди.

Тошкент районидаги «ЎзССР 50 йиллиги» колхозининг механизаторлар коллективи Ғафур Ғулом номли 356-сайлов округи бўйича колхоз раиси **Турғун Мирзаев**ни область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Олмалиқдаги 15-мактаб коллективидан 19-Гагарин сайлов округи бўйича область Совети депутатлигига ўқитувчи **Людмила Владимировна Усова** номзоди кўрсатилди.

Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз раиси **Йўлдош Хожиматов** хўжаликнинг сайловолди йиғилишида 187-Ҳамза сайлов округи бўйича область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — ЗАРБДОР МАВСУМ

Янги — 1980 йил бўсағасидамиз. 1979 йилда халқ хўжалигини юксалтириш соҳасида ажойиб, салмоқли ва залворли ютуқлар қўлга киритилди. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётган областимиз меҳнаткашлари ҳам коммунистик қурилиш сари дадил одимлар билан бориб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида янги марраларни эгалладилар. Пахтакорларимиз, айниқса, мисли кўрилмаган жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар ва эл хирмонига мўлжалдагидан анча кўп «оқ олтин» ҳадя этдилар.

Ҳалқимизнинг турмуш фаровонлиги йил сайин ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз моддий бойликлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, хусусан чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни кескин кўпайтиришни энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг (1978 йил) июль Пленуми қишлоқ хўжалигининг бу зарбдор соҳасини жадал ривожлантиришнинг конкрет йўлларини кўрсатиб берди.

Пленум қарорларини бажариш — гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтиришни ўзларининг энг муҳим ва жанговар бурчлари деб билган чорвадорлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар.

Кейинги йилларда областимизда чорвачиликни юксалтириш бўйича кўрилган амалий тадбирлар қувончли самаралар бераётир. Ўтаётган йилнинг ўн бир ой давомида гўшт етиштириш 19 процент, сут етиштириш 11 процент, тухум етиштириш 21 процент кўпайди. Ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 3100 килограммдан сут соғиб олинди. Қорамол, сигир, чўчқа, парранда сони анча ортди. Давлатга гўшт, сут, тухум ва жун ўтган йилдагидан кўп сотилди. Хўжаликлараро кооперация негизида чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялашга, саноат, қурилиш, савдо ташкилотларида гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган ёрдамчи хўжаликлар барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Янги фермалар, комплекслар жадал қурилмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришда аҳолининг шахсий хўжаликларига ҳам ёрдам берилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XV пленуми «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР-да чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги 1979 йил 26 июль қарорини бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорини бажариш юзасидан Тошкент область партия комитетининг ҳисоботини эшитди. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда область партия ташкилотининг чорвачиликни юксалтириш соҳасидаги ишларига юксак баҳо берилди.

Бу баҳо областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари айниқса чорвадорлар зиммасига янада катта ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Улар партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бериш учун курашмоқдалар. Кўплаб колхозлар, совхозларнинг чорвадорлари йил якунларини таҳлил этар эканлар, ўз зиммаларига янги ва оширилган мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Резервлардан, имкониятлардан тўла фойдаланиш чора тадбирларини кўрмоқдалар.

Ҳозир қиш фасли — чорвадорлар учун ҳам қайноқ иш фасли. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чорвачилик ходимларининг 1979—1980 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида» қабул қилган қарори асосида иш олиб бораётган илғор район, колхоз ва совхозларнинг ферма ходимлари келгуси йилда ҳам коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун катта ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу жиҳатдан Калинин районида амалга оширилаётган тадбирлар ибратлидир. Бу район чорвадорлари қишда ҳам маҳсулот етиштиришни камайтирмаслик ташаббуси билан чиқдилар. Тошкент, Оржоникидзе районн чорвадорлари ҳам қишловни яхши ўтказиш учун курашмоқдалар.

— Биз қишловга алоҳида тайёргарлик кўрдик,—дейди Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхози директори А. Бакиров,— янги типда қурилган кўралар яхшилаб ремонтдан чиқарилди. Ҳар бир отар бошига етарли миқдорда ем-хашак келтириб қўйилди. Чўпонлар иссиқ кийим-кечаклар, етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган. Уларга 120 киши ёрдамчи қилиб тайинланди. 25 та трактор, 20 та автомашина, сув ташувчи механизмлар қиш мавсумига шайлаб қўйилди. Отарларга биркитилган агитаторлар ва пропагандистлар социалистик мусобақани авж олдиришда, илғорлар тажрибасини тарғиб қилишда чорвадорларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхози ва бошқа хўжаликларда ҳам чорва қишловини ўтказиш соҳасида тўпланган бой тажрибалар амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда.

Чиндан ҳам чорва қишлови зарбдор мавсум. Келгуси йил учун олинган юксак план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ана шу мавсумнинг муваффақиятли ўтказилишига боғлиқдир. Ҳар бир чорвадор, мутахассис буни чин юракдан ҳис қилгани ҳолда меҳнат қилиши лозим. Партия, совет органлари, хўжаликларинг раҳбарлари, мутахассислар, комсомол, касаба союз ходимлари қишловни муваффақиятли ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ҳеч сўзсиз бажарилишида хўжаликларга катта ёрдам кўрсатишлари лозим.

Социалистик мусобақа — сут соғувчилар, молбоқарлар, мутахассислар куч-ғайратини аниқ мақсадга йўналтириш имконини берсин. Мусобақа ғолибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш — мусобақанинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Афсуски, айрим колхоз ва совхоз фермаларида бунга эътибор берилмайди. Ферма ходимлари, сут соғувчилар ҳатто ким билан мусобақалашаётганликлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Қишловни соз ўтказиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган яхши-яхши тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда. Ишни ташкил этиш соҳасидаги нуқсонлар, ем-хашакнинг етишмаслиги, мавжуд техника ускуналаридан унумли ва ўринли фойдаланмаслик унумдорликни оширишга ҳалақит бермоқда. Бундай камчиликларга барҳам бериш керак. Ҳар бир фермада қатъий тартиб ва интизом ўрнатилиши, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилиши шарт.

Бу йил мўл-кўл ем-хашак жамғарилди. Ундан тежабтергаб фойдаланиш керак. Фермаларда ем-хашак цехлари узлуксиз ишлаб турсин. Қиш даврида молларни белгиленган рациондаги ширали ва тўйимли озуқа билан боқиш — маҳсулдорликнинг ортишида чорва туёғини кўпайтиришда муҳим омил эканлигини унутмаслик керак.

Ҳеч шубҳа йўқки, областимизнинг мард ва фидокор чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар.

КОММУНИСТИК меҳнат зарбдори Умри Муҳиддинова кўп йиллардан буён Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг тайёрлаш цехида ўровчи бўлиб меҳнат қилаяпти. У давлат Сифат белгиси олишга сазовор бўлган маҳсулот тайёрлаётган илғор бригада аъзосидир. Шу кунларда зарбдор ишчи ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қила бошлади. М. Нуриддинов фотоси.

СОЗЛОВЧИ УСТА

Эрталаб трактор паркига шатакка олинган ҳайдов трактори олиб келинди. Механизатор К. Каримқулов созловчи уста Маъмур Зобировга мурожаат қилди:

— Энди шудгор қилишни бошлагандим, трактор бузилиб қолди, — деди у қуйиниб. — Ўзим ҳеч эплай олмадим. Маъмур ака, тезроқ тузатиб берсангиз.

Созловчи уста трактор қисмларини диққат билан кўздан кечириб, носоз деталларни топди. Шундан сўнг у шогирдлари Ҳолдор Ҳакимбоев. Тўланбой Турғунов, пайвандчи Бойжигит Исақуловлар билан ҳайдов тракторини ремонт қилишга киришди. Бирор соат ўтар-ўтмас механизатор тракторини тариллатиб, паркдан дала томон йўл олди.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида барча механизаторлар Маъмур Зобировни ҳурмат билан «қўли гул уста», деб атайдилар. Устalик Маъмур акага ота касб. Унинг отаси Илёс ака узоқ йиллар хўжаликда темирчилик қилган. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирган Маъмур ҳам аввал отасига шогирд тушди. 1945 йилда эса машина-трактор станцияси қошида очилган трактор-чилар тайёрлаш курсини тугаллади. У бир неча йил механизаторлик ҳам қилган.

Анчадан бери эса Маъмур ака хўжаликнинг Фрунзе участкасидаги трактор паркида созловчи уста бўлиб ишлаб келаётир. Бу паркда замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Шунинг учун тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарининг жорий ремонти қисқа муддатда сифатли ўтказилади. Бунда созловчи устанинг ҳиссаси катта.

Маъмур ака 8 фарзандниинг отаси. Унинг ўғил-қизлари турли касбларни эгаллашди. Катта қизи Насиба ўқитувчи, Васила ва Раҳималар хизматчилардир. Ўғли Мансур шофёрлик қилади. Мурод эса ўймакор наққошлик касбини эгаллаган. Яна икки ўғли Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаётирлар, кичик фарзандлари мактабда таҳсил олишяпти.

Созловчи уста участкадаги барча техника воситаларн ҳамиша ишга шай бўлиши учун жон куйдиради. Ҳосирги кунда Маъмур ака Зобиров раҳбарлигидаги ремонтчилар пахта териш машиналари ва бошқа техника воситаларини ремонт қилишга киришганлар.

В. БОБОХОНОВ.

ҚИШ — ИШ ФАСЛИ

«МОСКВА» колхози деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида фидокорона меҳнат қилишиб, мўлкўл сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар. Хўжалик Калинин районида биринчи бўлиб халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятини бажарди. Эл дастурхонига 3158 тонна ўрнига 4737 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 362,5 центнерни ташкил этди. Бу ҳам районда энг юқори кўрсаткичдир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу ерда рентабеллик 28 процентни ташкил этмоқда. Демак, йил яхши якунланаяпти. Хўш, хўжалик сабзавоткорларининг келгуси йилдаги режалари қандай? Янги ҳосил учун қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Деҳқончиликда танаффус бўлмайди,— дейди колхоз раиси Қобилжон Абдуллаев.— Хўжалигимиз аъзолари учун ҳам қиш фасли иш фаслидир. Шу кунларда парник хўжалигида, ремонт устахонасида, сабзавот пайкалларида, боғ-роғларда иш қизиб кетган. Парникчиларимиз бу йил салкам 6 миллион туп сабзавот кўчатлари етиштиришга бел боғлашган. Ҳозир 30 килограмм карам уруғи сепиб қўйилди. Олди уруғлар қийғос униб чиқди. Эрта-индин кўчатларни йиғратиб ўтқазиш ишлари бошлаб юборилади.

Хўжаликда 40 гектар майдонга эртаки карам экиш режаланган. Шунинг учун парникларга яна ўн килограмм уруғ сепилади. Бундан ташқари, помидор, бақлажон, болғар қалампири уруғлари сепиладиган майдонлар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Обн-ҳаво қулай келганидан фойдаланган хўжалик деҳқонлари 165 гектар экин майдонини сифатли шудгорлаб қўйишди. 85 гектар ерга эртаги экинлар экиш учун жўяк олинди. 15 гектар ерга экилган август пиёзи, 5 гектар жойдаги чеснок ва бошқа кузги экинларни парвариш қилиш жадал суръатда олиб борилмоқда.

Маҳаллий ўғит—ҳосил малҳами. Буни яхши билган колхоз правленнеси ва партия ташкилоти гўнг тайёрлайдиган унумдорлик отряди ташкил этди. 20 га яқин механизатор, шофёр ва бошқа ишчиларни бирлаштирган отряд яхши ишламоқда. Шу кунгача 4,5 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамғарилиб, шундан 3500 тоннаси далага чиқарилди.

— Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўп,— дейди унумдорлик отрядининг бошлиғи Раҳмон Халилов.— Ҳозир 8 та прицепли трактор, 2 та агдарма машина гўнг ташиш билан машғул. Ҳусниддин Зуҳуров, Турсунбой Мадраимов, Тўлқин Ниёзов сингари транспортчиларнинг ғайрати билан ҳар куни 50—60 тоннадан ҳосил малҳами тайёрлашга муваффақ бўляпмиз. Биз 1980 йил ҳосили учун 6000 тоннадан зиёд органик ўғит жамғаришга аҳд қилганмиз.

Колхозда суғориш шаҳобчаларини ўз вақтида тартибга келтириб, сувга равон йўл ҳозирлашга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Ҳозиргача мавжуд ички ариқларнинг ҳаммаси тозалаб қўйилди. Жами 3000 кубометрлик тупроқ ишлари бажарилди. Хўжаликда боғ ва токзорларнинг ораларини шудгорлаш, олма дарахтларига шакл бериш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Қишки дала ишлари Р. Ҳомиджонов, П. Нурматов, Ж. Шерматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда айниқса сифатли бажарилмоқда.

Колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларига жавобан зўр ғайрат билан ишлаб, доҳийимиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга тайёргарлик кўришмоқда. Улар 1980 йилда сабзавот ҳосилдорлигини ўртача 400 центнердан етказишга ўчун барча ички резервларни ишга солишмоқда.

Н. ҚОДИРОВ.

ПРОКАТ СТАНИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

БЕКОБОД. (ЎзТАГ мухбири). «Металлургстрой»нинг экскаваторчилари биринчи бўлиб янги қурилиш майдонига чиқдилар. Бу ерда 4 йилдан сўнг В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатининг прокат стани ишлай бошлайди.

«300» стани металлургларшаҳрида қурилаётган янги эритиш комплексининг печларидан олинган пўлатга ишлов беради. Қизитадиган печлари ва исканжалари бўлган икки технологик линия чўғланган металлни секундига 16—20 метр тезликда ўтказиб тура олади. Лойиҳадаги мураккаб автоматика шундай прокат қилиш тезлигида маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига имкон беради. Грузия давлат металлургия заводларини лойиҳалаш институтининг ечимларига биноан Бекободдаги «300» стани ҳар хил турдаги пўлат арматура, квадрат, олти қиррали, бурчак кесимли ва бошқа хил профилларда прокатлар чиқариб туради.

Прокат станининг биринчи навбати йилига 600 минг тонна маҳсулот чиқара олади.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент область касаба союзлари Советининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда химия ва нефть саноати ишчилари касаба союзи область комитети ва 153-қурилиш трести бирлашган касаба союз комитети устав талабларига риоя қилишда касаба союз аъзолари масъулиятини ошириш юзасидан бажараётган ишлари тўғрисида ҳисоб бердилар.

Пленумда хомашё, материал ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан Бутуниттифоқ жамоатчилик кўригини ўтказувчи область комиссиясининг иши ҳақидаги ҳисобот ҳам тингланди.

Пленум қатнашчилари область касаба союзлари ва социал таъминотнинг 1980 йил бюджети тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум область касаба союзларининг Х союзлараро конференциясига тайёргарлигининг қандай бораётганлигини ҳам кўриб чиқди.

Пленумда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов нутқ сўзлади.

ЁРДАМЧИ ВА ШАХСИЙ ХЎЖАЛИКЛАР УЧУН

ЕРДАМЧИ ва шахсий хўжаликларни янада ривожлантириш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир. Шунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV ва XV пленумлари қарорларида бу хўжаликларни тез суръатлар билан ривожлантириш таъкидлаб ўтилган.

Тошкент паррандачилик фабрикаси коллективи бу ишга муносиб ҳиссасини қўшяпти. Корхона паррандабоқарлари фақат шу йил бошидан бери Оржоникидзе, Бекобод, Бўка районлари колхоз ва совхозларига 488,5 мингта жўжа етказиб берди. Бу — хўжаликлардаги паррандачилик фабрикаларини анча кенгайтириш имконини берди. Фабрика коллективи буни чин юракдан ҳис қилгани ҳолда меҳнат қилиши лозим. Партия, совет органлари, хўжаликларинг раҳбарлари, мутахассислар, комсомол, касаба союз ходимлари қишловни муваффақиятли ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ҳеч сўзсиз бажарилишида хўжаликларга катта ёрдам кўрсатишлари лозим.

Социалистик мусобақа — сут соғувчилар, молбоқарлар, мутахассислар куч-ғайратини аниқ мақсадга йўналтириш имконини берсин. Мусобақа ғолибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш — мусобақанинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Афсуски, айрим колхоз ва совхоз фермаларида бунга эътибор берилмайди. Ферма ходимлари, сут соғувчилар ҳатто ким билан мусобақалашаётганликлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Қишловни соз ўтказиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича белгиланган яхши-яхши тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда. Ишни ташкил этиш соҳасидаги нуқсонлар, ем-хашакнинг етишмаслиги, мавжуд техника ускуналаридан унумли ва ўринли фойдаланмаслик унумдорликни оширишга ҳалақит бермоқда. Бундай камчиликларга барҳам бериш керак. Ҳар бир фермада қатъий тартиб ва интизом ўрнатилиши, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилиши шарт.

Бу йил мўл-кўл ем-хашак жамғарилди. Ундан тежабтергаб фойдаланиш керак. Фермаларда ем-хашак цехлари узлуксиз ишлаб турсин. Қиш даврида молларни белгиленган рациондаги ширали ва тўйимли озуқа билан боқиш — маҳсулдорликнинг ортишида чорва туёғини кўпайтиришда муҳим омил эканлигини унутмаслик керак.

Ҳеч шубҳа йўқки, областимизнинг мард ва фидокор чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар.

ПУХТА ЗАМИН

ДЕҲҚОН далаларидаги сўнгги ҳосилни йиғиштириб олар экан, келгуси йил ҳақида қайғуради. Бу йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун навбатдаги мавсумга тайёрлик кўради. Ҳозир ана шундай пайт. Ҳамма ерда янги ҳосилга пухта замин ҳозирланаяпти.

Бекобод районидаги «Победа» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшбоқ Эгамбердиев етакчилигидаги 3-участкаси моҳир механизатори Ўнғар Қўшоқов қуёшли кунлардан самарали фойдаланиб, 150 гектар ерни қисқа муддатда сифатли шудгор қилди ва ҳамкасблари ўртасида пешқадам бўлди.

— Бобо деҳқонларимиз «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда»— деб бежиз айтишмаган,— дейди у.— Шунинг учун кунига камида 8 гектардан ер ҳайдашга ҳаракат қилдик.

Участка механизаторлари далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқаришни, техника воситаларини ремонт қилиш ишларини ўзаро мусобақа асосида қизғин олиб бормоқдалар.

З. ЮСУПОВ.

ТИНГЛОВЧИЛАР РАЦИОНАЛИЗАТОР

Бундан йигирма йил муқаддам Тошкент тўқимачилик комбинатида иш бошлаган техника тараққиёти ва иқтисодий билимлар халқ университети бугунги кунда илғор тажрибаларни оммалаштирувчи ижодий марказга айланган. Шунинг учун ҳам унинг машғулотлари бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмоқда.

Бу эса тингловчилар ўртасида техника ижодкорлигига бўлган қизиқишни оширмоқда. Масалан, ленинградлик мутахассислар ип тайёрлашда алоҳида препаратдан фойдаланиш мумкинлигини айтишган эди. Бу гал корхонада амалга ошди.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ САМАРАСИ

ЧОРВАЧИЛИКНИ интенсив ривожлантириш имконини берувчи асосий омиллардан бири хўжаликларни ихтисослаштиришдир. Айниқса ҳар бир районда сersут зотли сигирлар етиштириш мақсадида бузоқчилик билан шуғулланувчи хўжалик ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор берилган.

Ғалаба район партия комитети ва район ижроия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ҳамда Тошкент область партия комитетининг чорвачиликка бағишланган қатор пленумлари қарорларини оғишмай амалга ошириш мақсадида Энгельс номли колхоз фермасини зотли бузоқларни парвариш қилиб, район хўжаликларини сersут ғўнажинлар билан таъминлашга ихтисослаштирди. Бу тадбир дастлабки йилдаёқ яхши самара бера бошлади.

— Фермамиз бузоқчиликка ихтисослаштирилгандан сўнг чорвачилик рентабеллик соҳага айланиб қолди,— дейди бош зоотехник Илья Мун.— Илгарилари чорвачиликдан мунтазам зарар кўриларди. Ўтган йили эса қилинган сарф ҳаражатлардан ташқари илк бор 10 минг сўм соф даромад олдик. Бузоқчиликка ихтисослаштиришнинг истиқболи янада самарадироқ эканлиги ҳозирданоқ равшан бўлиб қолди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, колхоз фермасида бузоқчилик йўлга қўйилгандан сўнг чорвачилик маданияти кескин ривожланди. Барча бузоқхоналар шу кунинг талабига жавоб берадиган қилиб тартибга солинди.

Ихтисослаштириш фақат Энгельс номли колхозгагина катта фойда келтириб қолмай, балки райондаги бошқа хўжаликларда ҳам чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, соғин сигирлар зотини яхшилаш, шу йўл билан сут етиштиришни кўпайтириш имконини бераётир.

Энди ликда райондаги 7 та хўжаликдан зотли бузоқлар қабул қилиб олиниб, парваларни танлаш зооветеринария талаблари асосида амалга оширилади. Ветеринария врачи, селекционер ва чорвачилик бригадаси бошлиғи махсус жиҳозланган машина билан хўжаликларга бориб, 15—20 кунлик бўлган бузоқларни зотига қараб танлаб оладилар. Уларнинг соғломлиги чуқур текшириб кўрилади.

Бузоқларнинг соғлом ўсиши ва сersут ғунажин бўлиб етилишини таъминлаш мақсадида улар ёшига қараб беш группага бўлиб боқилади. Масалан, янги олиб келинган бузоқлар сут эмадиган даврида алоҳида-алоҳида катакларда боқилади. Бир ойдан сўнг бешта бузоқ сигадиган йирикроқ катакларга ўтказилиб, уч ойлик бўлгунга қадар боқилади. Сўнгра ярим ёшга тўлгунга қадар катакларга ўн бошдан бузоқ қўйиб парвариш қилинади.

Ярим ёшга тўлган бузоқларнинг ўртача тирик вазни 150 килограммни ташкил этиши керак. Бунинг учун 6,4 озуқа бирлиги сарфланиши лозим. Олти ойлик бузоқлар бир ёшга тўлгунга қадар алоҳида группада боқилади. Сўнгра 18 ойга тўлгунга қадар бошқа группага ўтказилади.

Бузоқларни группаларга бўлишдан асосий мақсад уларни жадал боқиб етиштириш учун ҳар қайси группага алоҳида рацион белгилашдир. Масалан, бир ёшга тўлган бузоқлар 18 ойлик бўлгунга қадар алоҳида группага қўйилиб, ёз ойларида кунига 25 килограмм ҳўл беда, 1,5 килограмм концентрат, қиш ойларида эса 3 килограмм беда ҳашаги, 4 килограмм сенаж, 12 килограмм силос ва 1,5 кйлограмм концентрат бериб борилади. Бошқача қилиб айтганда 1 килограмм семиртириш учун 8—9 озуқа бирлиги сарфланади. Шундай тартибда парвариш қилинганда бузоқларнинг тирик вазни 290 килограммгача етади ва кунига 550—650 граммдан семириб боради.

Бузоқларнинг тирик вазни 300 килограммга етиб, ёши 18 ойга тўлгач, улар сунъий қочирилади ва алоҳида группага қўшиб яна уч ой боқилади. Шундан сўнг уларнинг бўғозлиги аниқланган, хўжаликларга тарқатилади.

1978 йили район хўжаликларига 410 бош зотли ғунажин етказиб берилган бўлса, бу йил тарқатилган ғунажинлар сони яна 100 бошга кўпайди. Бу зотдор ғунажинлар бир килограмм тирик вазнига 3 сўмдан нарх қўйилиб, реализация қилинмоқда.

Бузоқчилик фермаси мутахассис кадрлар билан тўла мустаҳкамланган. Бош зоотехник Илья Мун, ветеринария врачи Димитрий Пак, бригада бошлиғи Жомард Суттибоевлар олий маълумотли мутахассислардир. Фермадаги 14 бузоқбоқар ҳам бу соҳада катта тажриба орттиришган. Айниқса, Шариф Эргашев, Екатерина Цой, Зайтуна Косапўлатова, Лена Зиковалар яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг ойлик иш ҳақлари 180—220 сўмни ташкил этади.

Айни кунларда ихтисослашган фермада 1500 га яқин зотли бузоқлар парвариш қилинмоқда. Ферма мутахассислари ҳар йили район хўжаликларига камида 600 бош сersут зотли ғунажинлар етказиб бериш учун курашмоқдалар.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

БАРАКА № 12 (202)

- ПАХТАКОРЛАР КЎМАКДОШИ.
- ЧАЛА ҚОЛГАН ОБЪЕКТЛАР.
- БУЁҒИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ.
- ТАВБАСИГА ТАЯНДИ.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ҒАЛЛА ҚАНДАЙ САҚЛАНЯПТИ

Область ғалла маҳсулотларн ишлаб чиқариш бошқармаси корхоналарн етиштирилган ҳосилни қабул қилиш ва сақлаш бўйнча маълум ишларни амалга оширдилар. Лекин текширув давомида бир қатор қабул пунктларида ғалла очиқ ҳавода сақланаётганлиги маълум бўлди. Назоратчилар Чиғириқ ғалла қабул қилиш корхонасида бўлганларида ғалати манзарага дуч келдилар. Қабул қилинган маккажўхори сўталари ҳовлининг ўртасида уйиб қўйилган эди. Унинг устидан брезент тортилган бўлса-да, лекин нишаби ҳисобга олинмаган эди. Натижада хирмонининг устки қисмида қор ва ёмғир тўпланиб, сув сўталар орасига сизиб ўтаяпти.

Корхонанинг ғалла янчиш участкасида ҳам технология режими бузиляпти. Маккажўхори донини янчиш пайтида унинг бир қисми ерга тўкилиб қоляпти. Омбор мудири Б. Раҳмов бу аҳволни кўра била турнб, ўзини четга олаётганлиги кишини ажаблантиради. Устига-устак базанинг ўнг томони очиқ ҳолда ётибди.

Чиноз ғалла қабул қилиш пункти ҳам бу йилги мавсумга яхши тайёргарлик кўрмади. «Чиноз» темир йўл станцияси ёнида жойлашган ғалла омборининг томи илма-тешик бўлиб ётибди. Том шиферини ёз пайтида ўзгартириш керак эди. Лекин қабул пункти раҳбарлари омборлар ремонтига эътибор бермадилар. Ҳозир ёққан қор синган шиферлар орасидан ғалланинг устига чакиллаб томиб турибди. Бундан ташқари маккажўхори донини сақлаш технологияси ҳам бузилган.

Назоратчилар Тошкент шаҳар ғалла қабул қилиш пункти корхонасида ҳам шундай кўнгилсиз ҳолларнинг гувоҳи бўлишди.

Область халқ контроли комитети ғалланн сақлашда назоратни сусайтириб юборган корхона раҳбарларинн жиддий муҳокама қилди. Чиноз ғалла қабул қилиш пункти мудири М. Жўрабоева енговор эълон қилинди. Чиғириқ ғалла қабул қилиш корхонасн директори А. Берднев огоҳлантирилди. Ҳозир йўл қўйилган нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

ИШИМИЗ УНУМЛИ, МАҲСУЛОТИМИЗ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Кейинги йилларда область консерва саноати корхоналари қувватн яна ҳам ошди. Янги Тошкент консерва заводида йилига 745 тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшимча қувват, поток линиялар ишга туширилди. Ғазалкент консерва заводи мева цехи реконструкция қилинди. Олма шарбати олинадиган поток линия жорнй қилди.

Аммо шунга қарамай, халн ҳам консерва саноати корхоналарида иш унумн ва маҳсулот сифати талаб даражасида эмас. Корхона раҳбарлари хом ашё тайёрлаш масалаларн билан жиддий шуғулланмаяптилар, маҳсулот хилларн бўйнча планларнинг бажарилишини таъминламаяптилар.

Кейинги йилларда янги Тошкент консерва заводида 20 хил маҳсулотдан атиги тўққиз хилнин тайёрлаш плани бажарилаяпти, холос. Корхонада унумли ишлаш учун ҳамма имкониятлар бор. Лекин мавжуд ускуналардан фойдаланилмаётганлиги, уларнинг бекор туриб қолаётганлиги кишини ажаблантиради. Ҳозир 21 дона ускуна монтаж қилинмаган. Орткча ускуналар эса завод территорияси бўйлаб сочилиб ётибди. Бунинг устига хом ашё етишмаётганлиги ҳам ишнинг белига тепяпти. Кўпгина хом ашё хиллари бехуда исроф бўляпти.

Тайёрланаётган маҳсулотларга тушаётган рекламацнялар кейинги пайтда анча кўпайиб қолди. Сифатсиз иш учун завод кўплаб жарима тўлаяпти.

Ғазалкент консерва заводида барча хиллардаги маҳсулотларни тўла ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатилмаган. Маҳсулотларнинг фақат рентабелли ҳамда кам меҳнат талаб қилнвадиган хилларини ишлаб чиқаришга зўр берилаяпти-ю, аммо омма талаб қилаётган маҳсулот хилларини ишлаб чиқаришга эътибор берилмаяпти. Компотлар, томат пасталар, мурабболар ишлаб чиқариш йил сайин камайиб бораяпти.

Кейинги пайтда хом ашёларни ортиқча исроф қилиш ҳолларн тез-тез содир бўлмоқда. Устига устак технологик интизомнинг бузилиши натижасида маҳсулотнинг кўпгина қисми брахка чиқарилмоқда. Утган йили назорат қилувчи органлар 215,4 туб консерванн брахка чиқарилган эди. Бу йил эса брахка чиқарилган маҳсулотлар 442,8 тубдан ошиб кетди.

Янгийўл консерва заводида мевадан консерва тайёрловчи линия қувватидан ниҳоятда суст фойдаланнляпти. Корхонада бешта ўрнатилмаган ускуна бор. Улар 12 минг сўмга сотиб олинган эди. Лекин бу қимматбаҳо агрегатлар беш ётибди. Бундан ташқари ишчилар ўртасида ҳам интизом бўшашиб кетган. Интизомсизлик натижасида 56,6 минг сўмлик маҳсулот кам тайёрланди.

Корхонада томат хом ашёси ортиқча исроф бўляпти. Утган йили 1073 тонна помидор ортиқча сарф бўлган эди. Бу йил ҳам 1618 тонна помидор бехуда исроф бўлди.

Область халқ контроли комитетининг қарори билан консерва саноати корхоналарида кўрилаётган зарарнинг бир қисми жавобгар шахслардан ундирнб олинди. Бу жазо бошқа хўжалик раҳбарларига ҳам сабоқ бўлиши керак.

ХАТГА ЭЪТИБОР — ХАЛҚҚА ЭЪТИБОР

Олмалиқ шаҳар халқ контроли комитетига 1978 йил ва шу йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнаткашлардан 114 та таклиф, ариза ва шикоят тушди. 417 кишн эса қабул қилинди. Меҳнаткашлар ўз хат ва аризаларида жойлардаги нуқсонларни маълум қилдилар. Сигналлар ва аризаларнинг кўпчилиги ўз вақтида ҳал қилинди. Камчиликка йўл қўйган кишилар жазосини олди.

Комитет йиғилишларида ҳам хатлар билан ишлаш масаласи бир ноча бор муҳокама қилинди. Хатларга эътиборсизлик билан қараётган, меҳнаткашлар шикоятига қулоқ солмаётган раҳбарлардан тўққиз кнши жазоланди, 7 кишига пул жарнмаси солинди, бир кишн ишдан бўшатилди. Текширув якинлари шаҳар газетасида эълон қилиб борилди.

Шаҳар халқ контроли комитети ариза ва шикоятларни текширишга малакали кишиларнн жалб этмоқда. Улар кейинги пайтда 17 та корхона ва ташкилотда текширув ўтказишиб, камчиликларни бартараф этишга кўмаклашдилар.

Область халқ контроли комитети йиғилишида меҳнаткашлар хатлари, шикоятлари ва аризалари билан ишлашда Олмалиқ шаҳар халқ контроли комитети бажараётган ишлар атрофлича анализ қилинди. Эришилаётган ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатилди. Жумладан, айрим шикоятлар узоқ вақт жавобсиз қолиб кетмоқда. Нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқурроқ ўрганилмайди. Меҳнатшеларни қабул қилиш пайтида берилган ваъдаларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб борилмайди. Шаҳар халқ контроли комитети бу соҳадаги нуқсонларни бартараф этиш тадбирларнинг кўрмоқда.

ИЛҒОР ТАЖРИБАГА СУЯНИБ

КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётган колхозимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу йил пландаги 3250 тонна ўрнига 4750 тонналик «оқ олтин» хирмони кўтардик. Шунингдек, 48 тонна ўрнига 57 тонна сўшт сотилди. Топшириқдагидан анча кўп сут чашмаси яратдик. Белгиланганидан 1,6 тонна кўп пилла, 440 тонна ўрнига 784 тонна дон давлатга сотилди. Колхозчиларнинг даромади мўлжалдагидан икки баравар га ортди.

Шубҳасиз, ана шундай муваффақиятларга эришишда халқ назоратчилари баракали ишлари билан муносиб ҳисса қўшдилар. Улар ердан, минерал ўғитдан, турли ресурслардан рационал фойдаланиш йўлларини қидириб топишда яқиндан ёрдам беришмоқда. 12 гектар янги ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, колхозчиларга яратилган маданий-маиший шароитни яхшилаш халқ назоратчиларининг диққат марказида бўлмоқда.

Хўжалигимиз халқ контроли группасига 87 назоратчи жипслашган. 17 пост фаолият кўрсатмоқда. Халқ назоратчилари группасига 17 мутахассис, 19 механизатор, 5 чорвадор, 14 сувчи ва колхозчилар аъзодир. Улар ёрдами билан жуда катта ишлар қилинмоқда.

Халқ контроли группаси ҳузурида назоратчиларнинг ўқуви ташкил этилган. Машғулотлар плани ишлаб чиқилган. Ҳар кварталда бир марта дарслар олиб борилаяпти. Унда раҳбарлар, мутахассислар лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Халқ назоратчиси бурчаги ҳам ташкил этилган. Активлар бу ерда турли адабиётлар билан танишишади. Консультациялар олишади.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, ҳар бир рейд ва текшириш олдидан инструктив йиғилиш ўтказилади. Тушунтириш ишларини намунали йўлга қўйиш туфайли рейд ва текширишлар ниинг самарадорлиги таъминланмоқда.

Умуман, хўжалигимиз халқ контроли группаси илғор тажрибаларни пропаганда қилишга, уни оммянинг мулкига айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Кейинги вақтларда халқ контроли группаси аъзолари ва постларнинг бошлиқларини халқ контроли группаси бюроси мажлисига чақириб туриш одат тусига айланиб қолди.

Бу эса ҳар бир назоратчининг бажарилиши лозим бўлган муҳим ишларга жалб этиш, назоратчиларнинг жанговарлигини ошириш имконини бераяпти.

Ҳар ой халқ контроли группасининг йиғилиши ўтказиб турилади. Унда ойлик қилинган ишга якун ясалади. Планда кўрсатилган топшириқлар қандай бажарилди, халқ назоратчилари жойларда актив фаолият кўрсатишяптими, илғор тажрибаларни пропаганда қилишнинг қандай — шулар кўриб чиқилади. Йиғилиш қатнашчилари фикр ва мулоҳазалар билдиришади. Камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Колхоз партия комитетининг йиғилишларида халқ контроли группасининг ҳисоботлари эшитиб турилибди. Группанинг илғор тажрибалари юқори баҳоланмоқда. Шу билан бирга рўй бераётган камчиликлар ҳам қаттиқ танқид қилинади. Халқ контроли группаси эса бу танқиддан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишини яна ҳам яхшилаш учун курашмоқда.

Хўжалигимизда шудгорлаш ишлари тугалланди. Техника баҳорги экин экиш кампаниясига тайёрланмоқда. Ана шу ишларни адо этишда халқ назоратчилари маъмуриятга, партия комитетига яқиндан ёрдам бераяпти. Шудгорлашнинг сифатини мунтазам текшириб борди. Баҳорги экин экиш кампаниясига тайёргарлик халқ назоратчиларининг диққат марказида бўлмоқда. Улар камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиб нуқсонларни бартараф этишда колхозчиларга яқиндан ёрдам беришаяпти.

Н. КАМОЛОВ,
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози халқ контроли группасининг раиси.

КИЧКИНТОЙЛАР НЕГА ХАФА?

Чала бинонинг нариги бошида юрган 3—4 кишини кўриб Мадраим бобо тўхтади. Бу одамлар нима қилишяпти, ўзи? Бобо секин аста уюлиб турган бетон атрофида ҳангама қилаётган кишиларга яқинлашди.

— Болаларим бу биноларинг қачон битади? Набирам ҳар куни сўраб жони-ҳолимга қўймайди.

— Ёз бор, қиш бор битади-да. Набирангиз шошмасин.

Қурувчиларнинг жавобидан бобонинг энсаси қотди. Набираси мактаб ёшига етганда битарками-да бу боғча. «Ташоблкелхозстрой» трестига қарашли 57-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари, Калинин районидаги Калинин номли колхозда 140 ўринли боғча қурилишини бошлашганига ҳа демай, беш йил бўлади. Юқори ташкилотлар қурувчилар ишини бир неча бор анализ қилишди, раҳбарларга чора кўришди. Барибир ишда бурилиш бўлмаяпти. Райондаги Куйбишев номли колхозда қурилаётган 140 ўринли боғчада ҳам шу аҳвол. Бу йил қурувчилар 124 минг сўмлик ишни бажаришлари керак эди. Лекин ўзибўларчилик бўлиб аранг 77 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. План 63 процентда қолиб кетди.

Товоқсой посёлкасида қурилаётган 140 ўринли боғча биноси ҳам ҳали бери фойдаланишга топшириладиганга ўхшамайди. «Ташводохранилище» бошқармаси қураётган бу бинода иш суръати куи сайин сусайиб боряпти. Олдинига улар боғчани 1979 йилнинг иккинчи кварталида ишга тушираман деб ваъда беришди. Лекин ваъда когозда колиб кетди. Ҳали бир талай бажарилмаган иш бор. Бинонинг ташқари томонларини электрлаштириш, бунинг учун эса трансформатор подстанцияси ўрнатиш керак. Бинони иситишда ҳам бир қатор чала ишлар бор.

23-қурилиш трестига қарашли 62-кўчма механизациялашган колонна ҳам шу ерда 140 ўринли боғча қурилишини олиб боряпти. Бинокорлар ўтган йили ишни бошлашиб, қурилишни тезда тугаллаш мажбуриятини олишган эди. Лекин муддатнинг ўтиб кетганига анча вақт бўлиб қолди. Ҳали чала ишлар талайгина. Кичкинтойлар ҳар куни отаоналаридан янги боғча қачон битади деб сўрашади. Ота-оналар эса нима деб жавоб беришга қийналишмоқда.

Д. НАСРИДДИНОВ.

ПРОЖЕКТОРЧИЛАР ЁРДАМИДА

Тошкент шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва бошқа муассасаларда 12 мингдан ортиқ комсомол прожекторчилари фаолият кўрсатмоқда. Улар социалистик мулкни муҳофаза қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, материаллардан, шунингдек, молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича кўплаб рейд ва текширишлар ўтказишмоқда.

34 минг комсомол прожекторчилари отрядини ташкил этган комсомол-ёшлар ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида айниқса самарали меҳнат қилдилар. Саноат корхоналари, транспорт қурилиш ташкилотларининг план ва топшириқларни зиёдаси билан адо этишларида ана шу ёш назоратчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Кейинги икки йил ичида прожекторчиларнинг ўтказган рейд ва текширишлари туфайли бир неча миллион соат электр-энергия, кўплаб тонна рангли ва қора металл, қурилиш материаллари иқтисод қилиб қолинди.

Сўнгги икки йил ичида шаҳар комсомол прожекторчилари 3 мингдан ортиқ рейд ва текширишлар ўтказишди. Уларнинг натижалари колдективларда муҳокама қилинди.

Айниқса Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 153-қурилиш трести, Октябрь революцияси номли вагон-ремонт заводи прожекторчилари самарали рейд ва текширишлар ўтказишмоқда. Улар комсомол прожектори ишларини олиб бориш бўйича илғор тажриба тўпланганлар. Шаҳар «Комсомол прожектори» штаби эса бу тажрибаларни оммалаштириб бормоқда. Ёш назоратчилар янги йилда ҳам кўплаб рейд ва текширишлар ўтказиш, социалистик мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш, тежамкорлик ҳаракатини кенг ёйиш учун бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар.

«Компрессор» заводининг маҳсулотлари фақатгина қардош республикалардагина эмас, чет эллларда ҳам кўплаб сотиб олинмоқда. Тошкентлик машинасозлар ўз маҳсулотларини 43 мамлакатга юборишяпти. Модернизациялаштирилган «ПР-10М» кўчма компрессор станцияси 1976 йил Лейпциг Халқаро ярмаркасининг олтин медали ва биринчи даражали дипломи билан тақдирланган эди.

Шу йилнинг ўзида Ҳиндистон, Эрон, Лаос, Афғонистон, Болгария, Вьетнам, Польша ва Кубага 240 та шундай агрегат жўнатилди.

Маҳсулот сифатини яхшилашда шубҳасиз халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти. Суратда: халқ назоратчиларидан В. Ковальчук (чапда) ва В. Турунтаев деталларнинг сифатини текширишаяпти.

А. Сиякин фотоси. (ЎзТАГ).



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ПЛАН БОРУ, ИЖРО ЙЎҚ»

Юқоридаги сарлавҳали мақолада Калинин райсниидаги Ю. А. Гагарин номли совхоз-завод халқ контроли группасининг ишидаги айрим нуқсонлар кўрсатилган эди. Халқ контроли группасининг ишлари ташқаридан қарағанда яхшига ўхшайди. 15 кишиден иборат назоратчиларининг тузиб қўйган иш планлари бор. Унда ким қайси вақтда рейд ўтказиши, қайси бригададаги ишларни назорат қилиши керак. Ҳаммаси аниқ кўрсатилган. Халқ контроли группасининг раиси С. Оспановдан қилинаётган ишлар ҳақида сўрасангиз соатлаб гапириши мумкин. Лекин, тузилган план қоғозда қолаётганини улар иши билан яқинроқ танишсангиз ҳаммаси яққол кўринади.

Узбекистон КП Калинин район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Қамбаровдан юқоридаги мазмундаги мақолага жавоб олдик. Унда айтилишича мақола бўйича текшириш ўтказилганда кўрсатилган танқидий фактлар асосан тасдиқланган.

Текшириш натижалари совхоз-завод бошланғич партия ташкилотининг умумий партия мажлисида район халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ Ғ. Дўскаиаев иштирокида муҳокама қилинган. Партия мажлиси бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Тиллахўжаевга халқ контроли группаси ишини мунтазам назорат қилиш ва унга амалий ёрдам беришни топширди. Кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

БАЗАДАГИ ЮЛҒИЧЛАР

ОДАТДА турли касб эгалари маълум муддатларда тўпланишиб, ўзаро тажриба алмашадилар. Ишнинг янги форма ва методларини қўллаш, такомиллаштириш ҳақида фикр юритадилар. Яқинда Янгийўл, Олмалиқ, Чирчиқ ёқилғи ва ёғоч савдоси базаларининг раҳбарлари «сирли илғор тажриба»лари билан ўртоқлашгани залга йиғилибдилар.

— Ўртоқлар, — гап бошлабди Янгийўл ёнилғи—ёғоч савдоси базаси директори Мирсодиқов, — аввало шуни айтиш керакки, энг кўп сотиладиган материаллардан бири кўмир. Айниқса, қиш яқинлашгач ҳаридор оёғини ерга текқизмай олиб кетади. Шунинг учун кўмирни дуч келган жойга тўкиб сотаверамиз. Атрофини ўраш, тагини текислаш, устини бекитиш ҳақида ўйлаб, бош қотирганга арзимайди. Кейин, баҳо прейскурантини ҳамма кўрадиган жойга осиш шарт эмас. Одамларнинг кўзи тушмаса жанжали ҳам кам бўлади. Қулоқ тинч бўлганига нима етсин, биродарлар. Мана, кейинги вақтларда гиштнинг баҳосини киши билмас қилиб ошириб сотувдик, қуртдек қилиб 747 сўм ёнга қолди. Цементни ҳам шундай қилиб сотдик.

Мажлисни олиб борувчи сўзни Олмалиқ ёқилғи-ёғоч савдоси базасининг раҳбари Хурдоянца беради.

— Ҳамкасбим айтганларидек кўмир ҳақиқатан тез сотилади. Кейин назбат кўп бўлгани учун харидорлар орқа-ўнгига қарамай шошиб-пишиб олиб кетаверишади. У бўлди, бу бўлди деб нормадагидан кўпроқ кўмирни акт тузиб, сув қилиш мумкин. Сўнгги вақтларда 230 тонна кўмирни бир варақ қоғоз билан номинопсиз йўқ қилвордик. Шунинг учун қаловини топсанг қор ҳам ёнади дейдилар.

Нотиқ бир-икки йўталиб, сўнг яна давом этди:

— Тош-тарози базанинг энг муҳим участкаларидан бири. Унда гап кўп, ўртоқлар. Тарозининг ўлчовини кўнгил истаганча тортиб қўйиш асосий ишимиз, услубимиз ҳисобланади. Ўзларингиз айтинглар-чи, 160 тонна кўмир озмунчами. Бир машаллага етгулик-а. Шунча кўмирни тарозидан ўриб қолдик. Хўш, мижозларнинг пешонасида кўзи бор-ку, текшириб ҳам қолишлари мумкин дерсиз. Кўришадиям, текширишадиям, лекин топа олишмайди. Гап торозу ичидаги мурватни эплаб буришда. Лекин тарозибон сир бой бермаса бас. Уёғи ёғдек силлиқ кетаверади. Шунинг учун ҳам базада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор бераман-да.

Гапнинг қисқаси тарозини аслидан 40 килограмма камайтириб қўйганмиз. Шу йилнинг ўзида салкам тўрт минг тонна кўмир сотилди. Энди бир ҳисоблаб кўринг-а. Қисқаси, мижозлардан боя айтганим 160 тоннани шундай қилиб ўриб қолганмиз. Мана, сизга томчидан дарё.

Залда ўтирганлар нотиқларнинг «илғор тажрибаларни» ҳақидаги мулоҳазаларини қайта-қайта олқиш билан қаршилаб турдилар. Йиғилиш қатнашчилари, Чирчиқ ёқилғи-ёғоч савдоси базасининг директори Холматовнинг нутқини ҳам катта «қизиқиш» билан тингладилар.

— Базамиз коллективи «илғор тажриба»лардан тўла фойдаланиш, янгича усулларни қўллаш учун тинмай курашмоқда .Ташкилотимизда нимани хоҳласак шуни қиламиз. Мушугимизни пишт дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Биласиз, фондлар ҳар хил бўлади. Одатда унга рноя қилиш керак. Лекин биз бор овоз билан шарт эмас дейимиз. Колхоз, совхоз, муассаса ва турли ташкилотларга сотишга фонд йўқ эди. Лекин биз бундай хўжалик ва ташкилотларга истаганча армугон қилавердик. Қанча дейсизми. Ҳозир айтаман. Ҳаммасини ёзиб қўювдим. Хўш, ҳа мана 1072 тонна кўмир, 451 тонна цемент, 1300 сўмлик бўёқ ва ҳоказо. Бу ишни илгариям қилганмиз, бундан кейин ҳам қиламиз. Қизиғи шундаки, одамлар бу нарсаларни югуриб-елиб сўраб келишади-ей, қўявересиз. Уларнинг ҳақини бошқа ёққа гум қилишаётганимизни билишмайди. Содда одамлар кўп-да. «Йўқ экан», дейишади-да, яна бошқа ёққа қидириб кетаверишади.

Ҳа, ҳа, айтмоқчи яна бир нарсани унутибман. Одатда нақд пулсиз ҳужжат орқали мол бериладиган бўлса директор ёки бухгалтер қўл қўйиши шарт. Биз эса унчамунчасига қўл қўявермаймиз.

Мендан олдинги нотиқлар кўмирни қоғозда йўқ қилиш усуллари ҳақида гапиришди. Бизда ҳам бундай формалардан тез-тез фойдаланилади. Масалан, 1978 йил 1 октябридан 1979 йилнинг 30 сентябригача 254,2 тонна кўмирни осонгина ҳисобдан ўчирвордик. Омборларимизда қўпдан бери 8,1 минг сўмлик материал ётибди. Ўзимизни уринтириб нима қиламиз, деб қарамай қўйганмиз...

Докладчи ва музокарага чиққанлар базаларда халққа ёқилғи ва бошқа қурилиш материаллари билан савдо қилишдаги ғалати «илғор тажрибалар»нинг яна бирмунчасини санаб ўтишди.

1977 йилнинг апрель ойида «Узглавтоплесстройторг» бошқармаси аҳолига кўмир ва бошқа материалларга олдиндан буюртма қабул қилиш ҳақидаги кўрсатма берганн ва ҳалигача бажарилмаганн, натижада одамлар ишдан қолиб (сарсон-саргардон бўлаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ССР Госсноби, Автотранспорт министрлигининг 1977 йил 17 октябрдаги халққа кўмир ва қурилиш материалларини трансагентлик транспорти ёрдамида марказлашган ҳолда етказиб бериш ҳақидаги буйруғи ҳам бажарилмаётгани тилга олинди. Ҳатто шу вақтгача бирокта база ана шу буйруқ асосида тадбир ҳам ишлаб чиқмади.

Шу вақт нима бўлдики, узоқдан кинолентадек минбардаги нотиқ жимиб қолди. Зум ўтмай чирқ ўчди. Шивир-шивир бошланди. Залга қандайдир йўл билан халқ назоратчиси кириб қолган экан. У ҳамма гапларни стенограммага тушираётган эмиш .База ходимлари бирдан хушёр тортишди. Энди бўёғи қандай бўларкин?!

Б. ПЎЛАТОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Шу хонадан силос, силос деган сўзлар кўп эшитилардн. Ҳойна-ҳой силос деганлари шу бўлса керак-да!!

— Ҳаммасига сабаб нормадан кўп овқат ейишингиз.

— Кечирасиз, доктор, еганимни «списать» қилиб турибди-ку!!

— Сифат ғолиб!

А. Ҳолиқов расмлари.

XVI ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ XI СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1979 ЙИЛГИ ИШИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТИ ТЎҒРИСИДА

Область Совети халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1979 йилги ҳисоботини муҳокама қилиб, область ижроия комитетининг ҳисобот давридаги фаолияти партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажаришга йўналтирилганлигини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида ижроия комитет иши сезиларли даражада яхшиланди, янада фаол ва серқирра бўлиб қолди. Область ижроия комитети халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига янада конкретроқ раҳбарлик қиладиган, область бўлим ва бошқармалари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, депутатлар комиссиялари ва депутатларнинг фаолиятини иш самарадорлиги ва сифатини ҳар томонлама оширишга сафарбар этадиган бўлиб қолди. Буларнинг натижасида маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия органлари, доимий комиссиялар, депутатлар область экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга бевосита ҳисса қўшдилар.

Саноат маҳсулотлари реализация қилиш ўн бир ойлик плани муддатидан илгари адо этилди. Пландан ташқари 36,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қишлоқ меҳнаткашлари қийин об-ҳаво шароитида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан оширий бажардилар. Давлат хирмонига 475 минг тоннадан зиёд пахта топширилди. Давлатга дон, канол толаси, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, узум, пилла, жун топшириш юзасидан социалистик мажбуриятлар ҳам муддатидан илгари бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ўтган йилги даражадан илгарилаб бормоқда.

Йилнинг ўн бир ойи мобайнида 456,8 миллион сўмлик давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди. 197,5 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 174 минг квадрат метрдан зиёд турар-жой, 8,6 минг ўқувчи-ўринли мактаблар қурилди, болалар мактабгача тарбия муассасалари ва шифохоналар тармоғи кенгайди.

Савдо, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига коммунал ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш янада ривожланди. Бу йил областни иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий ҳаёт даражасини янада яхшилашга замин яратилди.

Маҳаллий Советларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштириш бўйича бирмунча ишлар қилинмоқда, ижроия комитет сессия ва кенгашларининг роли ўсмоқда. Перспектив ва жорий планлаштириш яхшиланиб, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш бўйича ташкилий тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат кучайди. Юқори партия ва совет органлари кўрсатмалари ҳамда маҳаллий қарорларнинг ижроси юзасидан назорат такомиллашаяпти. Совет кадрларининг ўқувини ташкил этиш ва сайловчилар наказларининг бажарилиши соҳасидаги ишлар сезиларли равишда яхшиланди.

Шу билан бирга, халқ депутатлари область Советининг таъкидлашича, область ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармалари иш услуби ва методини такомиллаштириш учун СССР янги Конституциясида белгилаб берилган ҳуқуқ ва қулайликлардан тўлиқ фойдаланмаётирлар.

Саноат корхоналарида ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш етарлича авж олдирилмаяпти, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш фактларига йўл қўйилмоқда. Ўн бир ой давомида 19 корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича планини бажармади ва 14 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Капитал қурилишга раҳбарликда жиддий нуқсонлар мавжуд. Қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартиришга етарли аҳамият берилмаётир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Районларнинг қатор хўжаликларида ҳанузгача деҳқончилик маданияти паст, чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликларга барҳам берилмаган.

Транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасаларига раҳбарликда ҳам айрим нуқсонлар бор.

Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқув-педагогик ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш лозим.

Юқори партия ва совет органларининг кўрсатмалари, маҳаллий қарорлар ижросининг назорати, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини қараб чиқишни ташкил этиш масалалари шу кун талабларига жавоб бермайди.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1979 йилги фаолияти маъқуллансин.

2. Область Совети ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармаларига, ташкилий ишларни янада такомиллаштириш асосида интизом ва топширилган вазифа учун масъулиятни ошириш, ушбу қарорда кўрсатилган камчиликларни тугатиш топширилсин.

3. КПСС XXV съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумида билдирган кўрсатма ва тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш область шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, бўлим ва бошқармаларининг энг муҳим вазифаларидан саналсин.

Шу мақсадда:

— ҳамма жойларда белгиланган ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича беш йилликнинг тўрт йили планлари бажарилмаслиги сабабларини аниқланиб, ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришга, меҳнатни ташкил этиш ва унинг унумдорлигини ошириш, иқтисод режимини кучайтириш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини тугатишга ҳалал берадиган сабабларни тугатиш учун зарур чоралар кўрилсин ва шу асосда 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик социалистик мажбуриятларини бажариш ва ошириб бажаришга эришилсин;

— қурилиш ташкилотлари раҳбарларига нисбатан қурилиш воситаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва муддатини қисқартириш, планлаштирилган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, лойиҳа-смета ҳужжатлари, ускуналарни жиҳозлаштириш ва етказиб беришни муддатида бажариш, кўплаб қурилаётган объектларда маблағ ва моддий ресурсларнинг талон-тарож этилишига йўл қўймасликни таъминлаш юзасидан талаблар кучайтирилсин;

— транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш коммунал-маиший ва медицина хизмати кўрсатиш корхона ва муассасаларини янада ривожлантириш ва иш сифатини ошириш, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш таъминлансин;

— иш услуби ва методларидаги жиддий камчиликларни йўқотишни таъминлаш учун ҳунар-техника ва халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият органлари ва кинолаштириш дирекциялари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалий чоралар кўрилсин;

— профилактика, ҳуқуқ тартибот ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадларида планлаштирилган тадбирларнинг бажарилишига маъмурий органларнинг масъуллигини ошириш соҳасидаги ишларни яхшилаш, бу ишга депутатлар ва меҳнаткашлар кўнгилли жамоат ташкилотларининг вакилларини кенг жалб этиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилансин.

4. Область ижроия комитети, область қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органларига:

— КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорлари ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, масаласидаги муҳим ҳужжатларида баён қилинган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун изчил кураш олиб бориш топширилсин. Бу мақсадларда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалик майдонларидан, озуқа, техника ва ўғитдан рационал фойдаланиш, область ижроия комитетининг экин оборотини кенгайтириш, сув хўжалиги қурилишига механизацияни жорий этиш соҳасидаги, белгиланган шунингдек 1980 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларини амалга ошириш учун изчил кураш олиб борилсин.

Қорамол ва паррандалар бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам озуқа базаси яратишни ҳар томонлама ошириш учун амалий чоралар кўрилсин.

5. Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига ташкилий ишлар услуб ва методларини янада такомиллаштириш, бўлим ва бошқармалар, корхона ва муассасалар фаолиятини назорат этишни кучайтириш, раҳбарларнинг биркитилган участкадаги ишлар учун жавобгарлигини ошириш топширилсин. Юқори органларнинг кўрсатмалари ва маҳаллий қарорларнинг ижросини кузатиб бориш ва текшириш бўйича белгиланган тартибнинг қаттиқ сақланиши, сайловчилар наказлари, гражданларнинг ариза, хат ва сўровларининг ўз вақтида бажарилиши, уларни қабул қилишни ташкил этишни яхшилашга эришиш таъминлансин.

Область ижроия комитетининг раиси
Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитетининг секретари
А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри, 1979 йил 18 декабрь.

XVI ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ XI СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети маҳаллий Советларининг СССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари Советларининг сессияларини ўтказиш тажрибаси ҳақида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилиб, шуни таъкидлайдики, СССР Олий Совети Президиумининг қарори партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумлари, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди қарорларини оғишмай амалга оширишда катта снёсий аҳамиятга ва даъваткор кучга эга бўлган мазмунан чуқур ва ёрқин ҳужжатдир. Унда сессияларнинг ролини кучайтириш, ижроия комитетлар кенгашлари ва маҳаллий Советлар депутатларининг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, барча раҳбарлик ва бошқариш звеноларида иш сифатини юксалтириш борасидаги активлигини ошириш асосида Советларнинг фаолиятини янада яхшилашнинг кенг программаси белгилаб берилди. Меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришдаги ташаббуси ва ижоди учун янги уфқлар очилди.

Халқ депутатлари область Совети қайд этадики, областдаги халқ депутатлари Советлари коллективчилик, эркин, ишчанлик руҳида муҳокама этишнинг конституцион принципларига мувофиқ ҳолда ўзларининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришдаги амалий ишларида сессияларни тайёрлаш, ўтказиш ва уларнинг қўйилган муҳим масалаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга катта аҳамият бермоқдалар.

Советлар сессиялари тартибга мувофиқ белгиланган муддатларда чақирилмоқда ва юксак снёсий уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Сессиялар кун тартибига иқтисодий ва социал тараққиётни комплекс планлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни, қурилиш, транспортни ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, аҳоли меҳнат ҳамда турмуш шароитини яхшилаш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, сайловчилар наказларининг бажарилиши сингари масалалар киритилмоқда.

Сессияларни тайёрлаш ва ўтказишда ошкораликнинг муҳимлиги ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга алоҳида эътибор берилаётир. Депутатлар ва аҳолига сессиянинг кун тартиби, ўтказилиш жойи, вақти ҳақида олдиндан, матбуот, радио орқали хабар қилинмоқда.

Чирчиқ, Янгийўл, Янгиобод шаҳар, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ район Советларининг ижроия комитетлари сессиялар муҳокамасига тақдим этилган масалалар бўйича депутатлар ва аҳолининг фикр-мулоҳазаларини олдиндан билиш мақсадида анкета тарқатиш усулини тажриба қилмоқдаларки, бу конкрет, ишчан қарорлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Советларнинг кўпгина сессиялари доимий комиссияларнинг актив иштирокида тайёрланмоқда. Ўтган йили область маҳаллий Советлари сессияларидаги масалаларнинг ярмидан кўпини, Олмалиқ, Ангрен, Газалкент шаҳар, Бўстонлиқ, Бекобод район ва кўплаб қишлоқ Советлари ундан икки қисмини доимий комиссияларнинг материаллари асосида тайёрладилар. Ҳар бир сессияда доимий комиссияларнинг докладлари ва қўшимча докладлари эшитиб борилмоқда.

Депутатларнинг активлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган чақириқда Советларнинг сессияларида ҳар уч депутатдан бири музокарада қатнашди. Халқ вакиллари ўзларининг сўров ҳуқуқларидан фойдаланиб, ижроия комитетлар, бўлимлар ва бошқармалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига турли саволлар билан мурожаат этмоқдалар. Фақатгина кейинги икки йил ичида область Советининг сессияларида 400 та депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди. 430 депутат ўз бурчини, Советлар ва улар органларининг топшириқларини қандай бажараётганлиги ҳақида маълумот берди.

Кўпгина Советларнинг ижроия комитетлари сессияларнинг ролини, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигини ошириш борасида доимо ғамхўрлик кўрсатиб, уларни ҳаётга татбиқ этишда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Қабул қилинган ҳар бир қарор назоратга олинади. Қарорнинг бажарилиши Советларнинг навбатдаги сессияларида, ижроия комитетлар ва доимий комиссияларнинг кенгашларида вақти-вақти билан муҳокама этиб турилади. Сессияларда депутатлар билдирган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни амалга оширишга, ҳар бир сессияда бу ҳақда депутатларга ҳисобот бериб туришга эътибор кучайтирилаётир.

Шунга қарамай халқ депутатлари область Совети қайд этадики, сессияга тайёргарлик ва уни ўтказиш борасида айрим маҳаллий Советларнинг ишида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд.

Шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг фаолиятида сессия кун тартибига узоқни кўзламаган, кам аҳамиятли масалалар киритилмоқда, сессиялар материаллари батафсил анализ қилинмай туриб, шошма-шошарлик билан тайёрланмоқда.

Шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг сессияларида ижтимоий ишлаб чиқариш, моддий ресурслардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалалар кам кўрилмоқда. Бу масалалар бўйича корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг ҳисоботлари етарли муҳокама этилмаяпти.

Ҳамон айрим қишлоқ ва посёлка Советлари депутатларнинг меҳнат ва депутатлик фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини эшитишни тажриба қилмаяптилар. Муҳокама этилаётган масалани тайёрлашга ва қабул қилинган қарорнинг бажарилишини назорат этишга доимий комиссиялар етарли жалб этилмаяпти.

Айрим шаҳар ва район, кўплаб посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари муҳокама этилаётган масалалар юзасидан фикр билдириш учун меҳнат коллективларига, аҳолига илтимос йўли билан мурожаат қилмаяптилар. Айрим докладлар ва нутқларда ҳамон танқид ва ўз-ўзини танқид даражаси паст бўлиб қолмоқда.

Сессияларда ижроия комитетларининг ҳисоботларини тайёрлаш ва ўтказишда жиддий камчиликлар мавжуд. Айрим ҳисобот докладларининг мазмуни фақат хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг якунини чиқариш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Уларда ижроия комитет фаолиятини, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари фаолиятини чуқур анализ қилиш етишмайди. Ҳисобот жараёнида камчиликлар сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилмайди.

Советлар чиқарган қарорларнинг ижросини назорат остига олишни ташкил этиш ҳозирги кун талабига жавоб беради деб бўлмайди. Қарорлар ижрочиларга ўз вақтида етказилмайди. Сессиялар оралигида депутатларни ижроия комитетларнинг фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб туриш, илгари қабул қилинган қарорлар, сессиялар қатнашчилари томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши билан таништириш тажрибаси айрим Советларнинг фаолиятидан ўрин олмаяпти.

Айрим район ижроия комитетлари қишлоқ ва посёлка Советларига сессияларни тайёрлаш ва ўтказишда, ижроия комитет қарорларининг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатишда амалий ёрдам бермаяптилар.

Халқ депутатлари область Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. СССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари Советларининг сессияларини ўтказиш тажрибаси ҳақида»ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари зиммасига,

— Советларнинг навбатдаги сессияларида СССР Олий Совети Президиумининг қарорини муҳокама қилиш, Советлар сессияларини тайёрлаш ва ўтказиш масаласидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш;

— сессия кун тартибини планлаштиришда план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, техника прогрессини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан, қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланиш, сайловчиларнинг наказларини бажариш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш сингари масалалар — Советлар сессияларидан асосий ўрин олишига жиддий эътибор берилсин.

Ижроия комитетлар бўлимлари ва бошқармалари, корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг ҳисоботларини муҳокама этиш, доимий комиссияларнинг қўшимча докладлар билан чиқишларини йўлга қўйиш кенг тажриба қилинсин.

3. Советларнинг сессияларини тайёрлаш ва ўтказишда ошкоралик кенг таъминлансин. Сессияларнинг чақирилиш муддатлари ҳақида депутатлар ва аҳоли олдиндан хабардор этилсин. Улар қарорларнинг лойиҳалари билан таништирилсин, масалаларни тайёрлашга доимий комиссиялар, халқ контроли комитетлари ва группалари актив жалб этилсин. Касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик таъминлансин. Муҳокама этилаётган проблемалар юзасидан сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини билиш, ўзларининг сўров ҳуқуқларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда депутатларнинг активлиги янада оширилсин. Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳар томонлама ривожлантирилсин.

Советларнинг қарорларини меҳнат коллективларида, турар-жойлардаги гражданлар йиғилишларида олдиндан муҳокама этиш кенг тажриба қилинсин ва қўлланилсин.

4. Советларнинг қарорларини бажаришни назоратга олишни янада такомиллаштириш, депутатлар фикр-мулоҳазаларининг амалга оширилишини таъминлаш областдаги маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг муҳим вазифаси ҳисоблансин. Ҳар бир сессиядан кейин фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилиши бўйича тадбирларни тасдиқлаш Советларнинг сессияларида, ижроия комитетлар, доимий комиссияларнинг кенгашларида қарорларнинг мунтазам бажарилишини муҳокама этиб туриш йўлга қўйилсин. Советнинг қарори ижро этилгач, ижроия комитетлар томонидан контролдан олиниши зарур.

5. Область, район ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари посёлка ва қишлоқ Советларининг иши юзасидан контролни кучайтирсинлар, уларга сессияларни тайёрлаш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатсинлар. Маҳаллий матбуот, ташкилий-оммавий ишлар кабинетлари, Совет ходимлари курс ва семинарлари, «Депутат кунлари»дан фойдаланган ҳолда ижобий тажриба кенг ёйилсин. Қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари ходимларининг малакасини мунтазам ошириб боришга эътибор кучайтирилсин.

Область ижроия комитетининг раиси
Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитетининг секретари
А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри, 1979 йил 18 декабрь.

«ЛЕНИН УЧҚУНИ» ГАЗЕТАСИ 50 ЁШДА

ДОИМ ТАЙЁР

Халқаро болалар йилида ўлкамиз бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Пионерларнинг севимли газетаси «Ленин учқуни» республика пионер ва ўқувчиларини Ленин васиятлари руҳида тарбиялашдаги хизматлари ва пионерлар ҳаракатини ривожлантиришдаги актив иштироки учун СССР Олий Совети Президиуми Фармонига биноан «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

50 йилдирки газета республика пионер ва ўқувчиларини фаолиятини тўла қонли ёритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида нашр этилган газета саҳифаларини бир китоб қилинса, 22 минг саҳифани ташкил этади.

Газетанинг биринчи сони 1929 йил 1 августда чиққан эди. Ўша сонда республика президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ёш авлодга қарата табриги босилган эди. Биринчи сон бор-йўғи 3 минг нусхада нашр этилди. Ҳозир эса газета ярим миллионга яқин тиражда босилаяпти. Ўқувчилар ҳафтада икки марта газетани мунтазам ўқиб турибдилар.

«Ленин учқуни»нинг кутубхоналарда сақланаётган тахламларини варақлаб беихтиёр совет халқи босиб ўтган жанговар йиллар киши ёдига тушади. Пахта мустақиллиги учун курашда, саводсизликни тугатишда, тинч қурилиш йилларида газета пионер ва ўқувчилар ўртасида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Газета ташаббуси билан республика пионерлари Ленинград ва Иваново-Вознесенск тўқимачилари учун совға тариқасида неча эшелонлаб «оқ олтин» жўнатдилар. Ёзиш-чизишни билмаган кишиларга ҳарф танитдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонона жанг қилиб жонини фидо қилган азамат ўғлонларни қидириб топишда активлик кўрсатдилар.

Ҳозирги кунда ҳам газета бажараётган ибратли ишлар талайгина: Қишлоқда яшайсанми, техникани бил. Ўлкамизни бог-рогларга айлантирамиз, пионерлар метали — Тошкент метрополитенига деган чақириқлар газета саҳифаларида баралла янграмоқда.

Ҳозир газетанинг неча минглаб актив ўқувчилари бор. Ҳар куни улардан юзлаб хатлар келиб турибди. Бу хатларда пионер ва ўқувчилар бажараётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шу кунларда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига мамлакат бўйлаб пионерлар марши ўтказилмоқда. Бу тадбир фарзандларимиз активлигини оширишда, уларни партия ва халқ ишига садоқат руҳида тарбиялашда, дўстлик ипларини мустаҳкамлашда қўл келаяпти.

Газета саҳифаларида олдинги ўқувчидан тортиб, аллома олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар ҳам қатнашиб келмоқдалар. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбекнинг кичкинтойлар ҳаётидан ёзган кўпгина асарлари биринчи бор шу газета орқали тарқалган эди. Ҳозир Зулфия, Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев каби қалам соҳиблари ўз асарлари билан ўқувчи-ёшлар кўнглини хушнуд этмоқдалар.

Бугунги шодиёна кунда биз газета коллективини ва унинг барча ўқувчиларини шонли юбилей ҳамда ҳукуматимизнинг юксак мукофоти билан чин қалбдан қутлаймиз.

Суратда: газетанинг навбатдаги сони муҳокама қилинмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН— ЮБИЛЕЙГАЧА

БАЗАМИЗ қорамол ва қўйларни бўрдоқига боқишга ихтисослаштирилгандир. Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида чорва молларини семиртириш ҳисобига гўшт етиштириш ва давлатга топширишни кўпайтириш учун барча имкониятларни ишга солаётир.

Бу йил базамизда хўжаликлардан келтирилган 2634 бош қорамол ва қарийб 50 минг қўй семиртиришга қўйилди. Бўрдоқибоқарларимиз уларни жадал семиртириш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Шу туфайли ҳозирнинг ўзида биз аҳоли дастурхонига қорамол ва қўйларни семиртириш ҳисобига 515 тонна гўшт тортиқ қилдик. Бу йиллик планда белгиланганидан 15 тонна кўпдир.

Базамиз бўрдоқибоқарлари қорамол ва қўйларни семиртиришда юқори натижаларга эришаётирлар. Бу соҳада Қудрат Иброҳимов бошлиқ бригада чорвадорлари коллективга ўрнак бўлишяпти. Улар қорамолларни парвариш қилишади. Бригада коллективи қорамолларни тўйимли ем-хашаклар билан боқиш туфайли уларнинг ҳар бирини кунига 900 граммданга семиртиришга муваффақ бўляпти. Бунда бўрдоқибоқарлардан Зокир Пўлатов ва Карим Иброҳимовларнинг ҳиссалари катта.

Аъзам Тожибоев ва Эркин Абдуллаев бошлиқ бўрдоқичилик бригадалари коллективлари ҳам қўйларни семиртиришда яхши кўрсаткичларни қўлга киритишяпти. Улар бўрдоқига қўйилган ҳар бир қўйни пландаги 7 килограмм ўрнига 9 килограммга семиртиришга эришяпти. Чўпонлардан Фатхулла Тожибоев, Маҳмуд Каримов, Собир Қодиров, Шоназар Тўлагановлар қўйларни семиртиришда айниқса жонбозлик кўрсатишяпти.

Бўрдоқибоқарларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, доҳий юбилейигача ўнинчи беш йиллик планини барча кўрсаткичлар бўйича бажаришга қатъий қарор қилдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун чорва молларини жадал семиртирмоқдалар.

М. АЛИЕВ,
«Узглавзаготживпром»нинг Тошкент марказий мол базаси директори.

ЧОРВАЧИЛИК— ЗАРБДОР СОҲА

Чорвадорларимиз шу йил охиригача давлатга қорамол ва қўйларни семиртириш ҳисобига яна 20 тонна гўшт топшириш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Улар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ҳам муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётирлар. Ўнинчи беш йиллик планига кўра базамиз коллективи чорва молларини семиртириш ҳисобига давлатга 2500 тонна гўшт топшириши керак эди. Беш йиллик бошидан бугун эса аҳоли дастурхонига 2380 тонна гўшт тортиқ қилинди. Бўрдоқибоқарларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, доҳий юбилейигача ўнинчи беш йиллик планини барча кўрсаткичлар бўйича бажаришга қатъий қарор қилдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун чорва молларини жадал семиртирмоқдалар.

М. АЛИЕВ,
«Узглавзаготживпром»нинг Тошкент марказий мол базаси директори.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 26 декабрь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Эронга тазйиқни кучайтира бориб, ҳамон унга қарши «қаттиқ» чоралар кўришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Исроил мудофаа министри Э. Вейцман «кутилмаган» визит билан Вашингтонга келди. Кузатувчиларнинг фикрича, Америка билан Исроил ўртасида бўладиган музокаралар давомида диққат-эътибор аввало Яқин Шарқдаги ва айниқса Форс кўрфази районидаги ҳозирги вазият асосида Вашингтон билан Тель-Авивнинг биргалашиб янада мустаҳкамроқ «ҳарбий-стратегик» ҳаракатларига қаратилади. Америка матбуоти Тель-Авив Эронга қарши ҳарбий операциялар ўтказиш учун Исроилнинг ҳарбий базаларини Пентагонга таклиф қилганлигини эслатиб ўтди.

Форс кўрфази районида АҚШ ҳарбий тайёргарлигининг хатарли тарзда кучайтирилиши араб мамлакатларини ташвишга солмоқда. Қўшма Штатлар шу ташвишни сўндиришга интилиб, кенг кўламда дипломатик йўл билан ҳужумга ўтдилар, бу мамлакатларнинг жамоатчилигига таъсир ўтказишга уринмоқдалар. АҚШнинг Саудия Арабистонидаги элчиси маҳаллий «Араб ньюс» газетаси мухбири билан суҳбатда тутуруқсизлик, мунофиқлик қилиб, ҳатто Арабистон денгизида Америка ҳарбий-денгиз кучларининг кўпайтирилишини «араб мамлакатларига нисбатан қилинган дўстона ҳаракат» деб таърифлашгача бориб етди.

ҚУВАЙТ, 26 декабрь. (ТАСС). Қувайт ташқи ишлар министри Сабохол-Аҳмад Ас-Сабоҳ Қувайт Эронга нисбатан иқтисодий жазо чораларини кўриш тўғрисида хавфсизлик кенгашига тақдим этиладиган ҳар қандай таклифга қарши чиқади, деб айтди. У Қувайт АҚШ элчихонасида кишиларнинг гаровга олиниши ва Қўшма Штатларда Эрон капиталининг ҳаракатсиз тўхтатиб қўйилишига қарши чиққанидек, шундай тадбирларга ҳам қарши чиқажагини таъкидлади. Министр эронликлар Қувайтнинг дўсти эканликларини уқтириб ўтиб, гаровга олинган кишилар проблемасини тегишинча келишув йўли билан ҳал қилиш мумкин, деб айтди.

ТЕҲРОН, 26 декабрь. (ТАСС). Оятилло Мунтазири Форс агентлиги мухбири билан суҳбатда бундай деди: Эрон халқи АҚШ элчихонасида гаровга олинган кишиларни эмас, балки Эронга қарши қилган жиноятлари учун Америка ҳукуматини суд қилади. Гаровга олинган кишилар бирон-бир ёмон иш қилмаган бўлсалар, у ҳолда улар судда гувоҳлар тариқасида ўтирадилар.

Ҳозирги вақтда Эрон Қўшма Штатлар билан сиёсий ва иқтисодий уруш ҳолатида турибди, деди бугун оятилло Ҳумайни Қум шаҳри аҳолиси ўртасида сўзлаган нутқида. Америка империализми, деди у, Эронга иқтисодий қамал билан таҳдид қилмоқда ва баъзи давлатларнинг ҳукуматлари, шу мамлакатлар халқлари эронликларнинг иқтисодий қарамликдан озод бўлиш йўлидаги кураши билан бирдам эканлигига қарамай, уни қўллаб-қувватламоқдалар. Иқтисодий қарамликдан озод бўлмай туриб, сиёсий, ҳарбий ва маданий соҳаларда мустақилликка эришиб бўлмайди.

АҚШ билан олиб борилаётган ҳозирги иқтисодий урушда, деди яна Ҳумайни, биз Эрон жамияти барча табақалари иштирок этган тақдирдагина ғалаба қозона оламиз. У ишчиларни мамлакатдаги барча завод ва фабрикаларни ишга солишга, деҳқонларни эса аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб—эҳтиёжларини таъминлашга чақирди. Ҳозирги вақтда Эроннинг яна бир муҳим вазифаси, деди Ҳумайни, ёшларни тарбиялашдан, уларни Ғарбдаги ҳаёт тарзига сажда қилишдан қутқазишдан иборатдир. Аммо шу проблемаларнинг ҳаммаси Эрон халқи бирлиги сақлаб қолган ва янги жамият барпо этишда ҳамма фаол қатнашган тақдирдагина ҳал этилиши мумкин, деб таъкидлади у.

Оятилло Ҳумайни сўзининг охирида, АҚШ иқтисодий жазо чораларидан ҳарбий ҳаракатга ўтиши мумкин деб аҳолини огоҳлантирди ва Эрон халқини ўз ватанини ҳамда революция ғалабаларини ҳимоя қилишга шай бўлиб туришга чақирди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ГААГА. 80-йилларда Голландия экономикасининг яхшиланиши кутилмаяпти, деди мамлакат молия министри Ф. Андрикссен. Ҳозир 210 минг кишига етган ишсизлар армияси, деб таъкидлади у, 1983 йилга бориб яна 35 минг кишига кўпаяди.

Министр қайд этганидек, кейинги йилларда социал эҳтиёжлар учун давлат ҳаражатлари яна қисқаради.

КОЛОМБО. Шри Ланка парламенти мамлакатнинг 1980 молия йилига мўлжалланган бюджетини маъқуллади. Унинг ҳаражатлар қисми 23 миллиард 486 миллион рупияни ташкил этади. Бюджет мамлакат тарихида энг катта — 9 миллиард рупиядан зиёд дефицитни кўзда тутади.

Шри Ланка молия министри парламентда сўзга чиқиб, «келаси йил энг оғир йил, қурбонлар йили бўлади», деди.

Шри Ланка газеталарининг таъкидлашича, машақатли йил нефть маҳсулотлари нархи, ҳусусан керосин нархи яна оширилиши билан бошланади. Аҳолининг катта кўпчилиги ёқилги сифатида фақат керосиндан фойдаланмоқда.

ЖАЗОИР. Жазоир миллий халқ мажлиси мамлакатнинг 50 миллиард 897 миллион 837 минг динор миқдорида давлат бюджетини қабул қилди. Ўтган йилдагига нисбатан бюджет 14 миллиард динор ошди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, профессионал тайёргарлик, қишлоқ жойларни электрлаштириш, социал таъминот учун ажратилган давлат ҳаражатлари анча кўпайди. Миллий озодлик ҳаракати ветеранларига, уруш инвалидларига бериладиган пенсиялар 25 процент кўпайтирилди.

СИНГАПУР. Шу йилнинг 11 ойи мобайнида Сингапурнинг ташқи савдо дефицити қарийб етти миллиард Сингапур долларини ташкил этди.

Статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, бу ўтган йилдагига нисбатан 700 миллион доллар кўп демакдир.

(ТАСС, 26 декабрь).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ФАРОВОНЛИГИ ОШМОҚДА

БУДАПЕШТ, 26 декабрь. (ТАСС мухбири). Тугаётган 1979 йил ВХР меҳнаткашларининг фаровонлигини оширишда катта муваффақиятлар билан нишонланди. Венгрия пойтахтида, республиканинг йирик саноат марказлари — Мишкольц, Сегед Дебрецинда уй-жой биноларининг янги кварталлари қад кўтарди. Бу йил 90 мингга яқин оила шинам квартираларга кўчиб кирди, 26 мингдан кўпроқ ўринлари бўлган болалар боғчалари ва яслилари мамлакатнинг кичкинтойлари ихтиёрига берилди. Ўнлаб янги мактаб бинолари ишга тушди.

Республикада соғлиқни сақлашни янада ривожлантиришга, пенсия таъминоти системасини такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Балатоннинг хушманзара соҳилида, тоғларда янги курортлар, шифохоналар очилди. Шу йил ёз фаслида касаба союзларининг путёвкалари билан Венгер меҳнаткашларидан 1,3 миллион киши дам олди. Медицина муассасаларининг тармоқлари қарийб 1.800 ўринга кенгайди. Буларнинг ҳаммаси ВХР партия ва ҳукуматининг мамлакат меҳнаткашлари тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги натижасидир.

Беш йилликнинг сўнгги йили планида ҳам социал таъминот соҳасида катта тадбирлар белгиланган. Социал эҳтиёжлар учун 196 миллиард форент маблағ ажратилади, бу эса шу йилги даражадан 13 процент ортиқдир.

А. КУЗЬМИН.

ВИШНОИ ҚАБИЛАСИ — ҲАЙВОНОТНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги буюк ТАР чўлининг бепоён қум тепалари узра Ҳиндистондаги энг кам сонли қабилалардан бири —Вишнои қабиласининг аҳолиси кўчиб юради. Вишнои қабиласидагилар 500 кишидан ошмайди.

Қабиланинг эътиқодига кўра «ова-инилар» — ҳайвонот ва паррандалар сақламоғи керак. Қабила кишилари очин-тўқин яшайдилару, лекин чўлдаги қийик, қирговул, жўрқуш ва бошқа жониворларни боқиб юрадилар, уларга ҳовзалар қазийдилар, пичан ғамлаб қўядилар, тузук жойлар ҳозирлайдилар, уларни милтиқ кўтарган ўғринчи овчилардан дадил туриб ҳимоя қиладилар, ҳаста ҳайвон ва паррандаларни авайлаб даволайдилар.

Вишноилар туфайли Баҳар районидаги (Панжоб штати) оҳулар туёғи масалан кейинги 10 йил ичида уч баравар кўпайиб, 6 мингтага етди. Ҳайвонлар одамлардан чўчимай, ҳатто қўлидан ҳам хўрак оладилар.

Британия амалдорлари тирокида репрессияларни авж олдирмоқдалар. Суратда: Ольстер шаҳридаги оддий манзара.

Шимолий Ирландияда ҳарбийлар ва полициячилар иши. ТАСС фотохроникаси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ — 10 ЯНВАРЬ
— МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«МУЗ УСТИДА АРЧА»

ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАК ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Қорбобо, Қорқиз, эртакларнинг қаҳрамонлари, ёш конки учувчи-фигуристлар, цирк артистлари ҳамда ўргатилган ҳайвонлар ва экзотик қушлар қатнашадилар.

Томошалар соат 11.00, 14.00 ва 17.00 да бошланади.
Касса соат 10.00 дан ишламоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.
Справкалар олиш учун Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт залига ва Ш. Руставели кўчаси, 18-уй, 20-хонага мурожаат қилсин.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи бадиий адабиёт пропагандаси бўлими
Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28, 29 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА
30 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

«ҒАЗАЛХОН ЁШЛИГИМ»

НАЗМ, НАВО ВА РАҚС КЕЧАСИ ЎТКАЗАДИЛАР.

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати шоир Омон МАТЧОН
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, «ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ Ансамблнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА
Лирик хонандалар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Нурулла ЖУМЯЗОВ, Тўрабой БОЙМУРОДОВ.
РАҚҚОСАЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА
Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Феруза СОЛИҲОВА
Программани — Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.
Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 12.00 дан сотилмоқда.

Саноат корхоналари ва ремонт-таъминот ташкилотларининг раҳбарлари

Д И Қ Қ А Т И Г А!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ машиналар, ускуналар, товарлар ва бошқа оммавий ишлаб чиқариш буюмлари учун мўлжалланган трафаретли фирма табличкаларини пўлатдан ишлаб бериш учун ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар босмахона материалидан тайёрланади. Ҳақ прейскурант бўйича олинади.
Бошқа шаҳардаги корхоналарнинг катта партиядаги буюртмалари темир йўл орқали жўнатилади.
Справкалар олиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги адресга учрашилсин: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон: 33-29-27.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи-контролёр кассирларни икки йўналишда тайёрлайди:
баққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;
газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари нинг сотувчи ва сотувчи контролёр-кассирларни тайёрлайди.
Ўқиш 1980 йил 2 январдан бошланади.
Ўқиш муддати 1 йил.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган 8, 9, 10-синф ҳаммида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ -КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.
Ўқувчиларга 32 ва 41 сўмдан стипендия берилади.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.
Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойдан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдоси ташкилотидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент — 173, Чилонзор райони, Бобир кўчаси, 3-уй. Телефон 78-44-30/4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати, 13, 70-автобусларнинг «Тез ёрдам медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.55 — Д. Артаньян ва уч мушкетёр. Бадиий фильм 3-серия. 12.05— РСФСР Давлат духовой оркестрининг концерти. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Халқаро болалар йилига. 16.15 Концерт. 17.15— Сиз ёқтирган шеърлар. 17.45 — Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 18.30 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 19.00 — Расмларда қўёш тизими бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Хоккей бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. «Нью-Йорк Рейнджерс» — МАСК. 21.30 — Время. 22.05 — СССР кучли фигурачиларининг турнири. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.50 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 12.15 — Шеърият мухлисларига. 12.35 — Йўл қоидалари мактаби. 13.05 — Телефильм. 13.35 — Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими. Бадиий фильм 3-серил. 14.40 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Кўғирчоқ фильм. 18.35 — Ешлик. 19.00 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — Л. Минкус. Дон Кихот. А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик Катта театри солистлари ижросида балетдан парчалар. 21.30 — Время. 22.05 — Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими. Бадиий фильм 4-серил 23.10 — Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

19.10 — Илмий-оммабоп программа. 19.40 — Шаҳар — қишлоққа. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Ота-оналар учун консультация.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28|XII да Дунёнинг яратилиши, 29|XII да Жизель (12.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 28|XII да Шошма, қуёш, 29|XII да Ганг дарёсининг қизи,

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги йил эртак цирк томошалари (13.00, 16.00, 19.30).

ТОШКЕНТ ФАСОНЛИ БУЮМЛАР, СУВ ТЎСИҚЛАРИ АРМАТУРАСИ ВА НОСТАНДАРТ УСКУНАЛАР ЗАВОДИГА

фрезерчилар, токарлар, слесарь-асбобсозлар, ремонтчилар, 5—6-разрядли электромонтёрлар, электр пайвандчилар, токарь-фрезерчилар, санқал берувчилар, йўнувчилар, газ билан қирқувчилар, технологлар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, созловчилар, автомат ва полуавтоматда пайвандловчилар, электриклар, парма ловчилар

КЕРАК

Хизмат транспорти, яслибогча, оилаликлар учун ётоқхона бор. Квартира навбати билан 2—3 йил ичида берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, «Водний» микрорайони.

ҚИСҚИЧБАҚАДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА!

Бошқа байрамлардан ўзининг фазилати билан, ажралиб турадиган Янги йил яқинлашиб келмоқда. Байрам дастурхони тўкин бўлиши учун бир неча кун олдин тайёргарлик кўришга тўғри келади. Байрам оқшомининг дастурхонини тузашда алоҳида маҳорат кўрсатиш лозим: стол устига оппоқ дастурхон ёзилади, салфеткалар қўйилади, чиройли идишлар танланади. Шарлар, тақинчоқлар осилган арча шохлари чиройли вазаларга солиб қўйилади.

Байрам дастурхонига тортиладиган таомларни бир неча кун олдиноқ тайёрлаб қўйишни маслаҳат берамиз. Авало ҳар хил салатлар, лаззатли бутербродлар, пирожкилар, ҳар хил дўлма солинган кулчалар дастурхон ҳуснини очади.

АГАРДА СИЗ ТАОМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ҚИСҚИЧБАҚА ГЎШТИДАН ИШЛАТСАНГИЗ, ЎЗИНГИЗНИНГ ПАЗАНДАЛИГИНГИЗ БИЛАН МЕҲМОНЛАРНИНГ КЎНГЛИНИ ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БЎЛАСИЗ.

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ! БИР НЕЧА РЕЦЕПТЛАРНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

ҚИСҚИЧБАҚАЛИ САЛАТ

Қайнатиб олинган сабзи, картошкани кубиклаб тўғрайсиз, яшил пўҳат, бодринг (янги узилгани ёки тузланган), қисқичбақа гўшти солиб аралаштирасиз майонез қўшасиз, табға ярашь туз солассиз.

Масаллиқ: 350 г. қисқичбақа гўшти, 2 та бодринг, 3 та қизил сабзи, 300 г. яшил пўҳат.

ҚИСҚИЧБАҚАЛИ ЁҒ

Муздатиб қўйилган қисқичбақа гўштини гўшт қиймалагичдан ўтказиб олассиз, сариқ мой билан аралаштирасиз, майда тўғралган саримсоқ пиёз солассиз; яхшилаб аралаштирасизда, салқин жойга қўясиз.

МАЙОНЕЗЛИ ҚИСҚИЧБАҚА

Музлатиб қўйилган қисқичбақа гўштининг устидан қайноқ сув қуйиб силкитиб олассиз ва майонез билан яхшилаб аралаштирасиз.

ГУРУЧ ВА ҚИСҚИЧБАҚАЛИ САЛАТ

Қайноқ сувда чайиб олинган қисқичбақа гўштига қайнатилган гуруч, яшил пўҳат, сомонча шаклида тўғралган қайнатилган сабзи солиб оҳиста аралаштирасиз. Майдалаб тўғралган пишган тухум қўшасиз ва майонез солиб аралаштирасиз. Таом дастурхонга тортилаётганда тухум, майонез, кўкатларни безак ўрнида устига солассиз. Янги узилган бодринг ҳам қўшиш мумкин.

ТУХУМЛИ ҚИЙМА

Тухумнинг сариғи ва қисқичбақанинг майдаланган гўштини омиҳталаб олганингиздан кейин, сузгичдан ўтказасиз. Тайёр бўлган масаллиққа туз ва мурч табға кўра солинади. Таом дастурхонга тортилаётганида устига кўкат сепилади ва майонез қуйилади.

ЛЎЛАЧА

Жуваланган қат-қатли хамирдан кулча шаклида пирожкилар тайёрлайсиз. Уларни дўлма солмасдан духовкада тобига етказиб пиширасиз. Пишган пирожкиларнинг ичига қисқичбақа гўштидан тайёрланган дўлма тўлгазилади.

50 та лўлача тайёрлаш учун қуйидаги масаллиқлар керак бўлади: 700 г. ун, 470 г. сариёғ, 2 дона тухум, 8 г. туз, 300 г. сув, аралаштириш учун тухум, бироз сирка ёки лимон кислотаси.

Хамир 3—4 мм. қалинликда муштлаб қатлама қилинади, ундан кичкинагина 2 та кулча кесиб олинади. Битта кулчани сувга намхуш қилиб товага қўясиз, иккинчи кулчанинг эса ўртасидан тешикчалар очиб товадаги биринчи кулчанинг устига тескари қилиб қоплайсиз. Уларнинг чеккаси бир-бирига бириктириш учун четларини оҳиста босиб қўясиз. Кулчаларни духовкага қўйишдан олдин, лўлачага тухум суртасиз.

Тайёр бўлган лўлачанинг ичига қисқичбақа гўштига майдаланган тухум ва майонез қўшиб тайёрланган қиймани соласиз.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Спорт

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАРИ

Одесса шаҳрида волейбол бўйича олий лиганинг аёллар командалари ўртасидаги мамлакат 42 чемпионатининг биринчи давра ўйинларини ниҳоясига етди. Бир неча кун давом этган мусобақаларда мамлакатнинг 8 кучли коллективи орасида Тошкентнинг «Автомобилист» командаси ҳам куч синашди. Ўтказилган етти учрашув натижалари шуни кўрсатдики, тошкентлик волейболчилар ўз имкониятлари даражасидан паст ўйин кўрсатишди. Чунки иккинчи ва учинчи турда ўтган чемпионатнинг кумуш совриндори ЦСКА ва Москва области педагогика институти коллективи устидан қаторасига икки ғалабани қўлга киритган ҳамшаҳарларимиз кейинги тўрт ўйинда мағлубият аламини чекдилар. Сўнгги турда улар майдон эгаси «Медин» командасига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Шундай қилиб тошкентликлар ҳисобида етти имконият дан икки очко бор, холос.

Мусобақанинг сўнгги давра ўйинлари Москва ва Ленинград шаҳарларида бўлиб ўтади. Сўнгра кучли саккиз коллектив аъзолари Тошкент шаҳрига тўпланадилар. 25—30 январь кунлари бу ерда медаллар учун курашни давом эттирадиган олти кучли коллектив аниқланади.

СЎНГГИ НАТИЖАЛАР

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг баскетболчи қизлари ғарбатдаги ўйинларини Душанба шаҳрида маҳаллий «Спартак» командасига қарши ўтказишди. Бу учрашувда 62:42 ҳисоби билан тошкентлик қизларнинг қўллари баланд келди. Лекин, бу ютуқ уларни финал олтиликка киришқирмаслигини мавҳумлигича қолдирди. Чунки, шу куни финал учрашувларида иштирок этиш учун тошкентлик қизлар билан рақобатлашаётган Фрунзенинг «Строитель» командаси турнир пешқадами Симферополнинг «Спартак» коллективини мағлубиятга учратди.

Кеча бу командалар ўртасида такрорий учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашув қайси команда финалда иштирок этишини ҳал қилиб беради.

ОЛТИНЧИ ЎРИНДА

Фрунзе шаҳрида қиличбозлик бўйича СССР кубоги учун ўтказилган мусобақалар якунланди. Унда республикамиз спорт шарафини 13 шамширчи ҳимоя қилди. Вакилларимиз орасида тошкентлик Павел Железнёв энг яхши кўрсаткичга эришди. У қиличбозликнинг рапира «турида олтинчи ўринни эгаллади.

ШАХМАТЧИЛАР БАХСИ

Республика шахмат-шашка клуби соврини учун Тошкентда ўтказилган саккизинчи Бутуниттифоқ турнирида одессалик гроссмейстер Владимир Тукмаков бош совриндан эгаси бўлди. У 14 имкониятдан 10,5 очко тўпладди. Турнирда иштирок этган уч спортчи — фрунзелик Леонид Юртаев, ереванлик Аршок Петросян ва тошкентлик Георгий Аъзамовлар бир хилда 8,5 очкодан тўпладилар. Улар ўртасидаги ўзаро ўйин натижаси инобатга олиниб, иккинчи ўрин Л. Юртаевга, учинчи ўрин эса Г. Аъзамовга берилди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02376. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е. — 2641.